



139

2015 у.г. "15" январ

№ 82-к

Самарқанд т-р Самарқанд

Тумандаги «Каттакўрғонарик» қишлоқ фуқаролар йиғини «Чордара» маҳалласида яшовчи Шукурлаев Фарруххон Далеровичга тегишли уй-жойини бир қисмини тураржой тоифасидан нотурар жой тоифа(тиббий маркази)га айлантириш ҳақида

Тумандаги «Каттакўрғонарик» қишлоқ фуқаролар йиғини, «Чордара» маҳалласида яшовчи Шукурлаев Фарруххон Далеровичнинг номига туман ҳокимининг 2007 йил 9 октябрда 998-Қ сонли қарори билан уй жойига эгалик қилиш ҳуқуқи тасдиқланган, маҳалла фуқаролар йиғини томонидан берилган маълумотномага кўра ушбу уй-жойда ҳеч ким ҳисобда турмаслигини, яшамаслигини инобатга олиб у туман ҳокими номига ариза билан мурожат қилиб, тадбиркорлик билан шуғулланиш мақсадида уй-жойини бир қисмини нотурар жой тоифа(тиббий маркази)га айлантириб беришни ўраган.

Фуқаро Шукурлаев Фарруххон Далеровичга тегишли уй-жойига туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати Давлат унитар корхонаси томонидан тайёрланган кадастр ҳужжатлари ва ҳулосаси, туман архитектура ва қурилиш бўлимининг ҳулосаси, маҳалла фуқаролар йиғини раиси иштирокида уй жойини кўздан кечириш далолатномаси, шунингдек аъзоларининг розилик аризаларини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Уй-жой кодекси»нинг 15-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сонли «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган Низомига, ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимиятлари тўғрисида»ги қонунининг 6-моддасига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тумандаги «Каттакўрғонарик» қишлоқ фуқаролар йиғини, «Чордара» маҳалласида яшовчи Шукурлаев Фарруххон Далеровичнинг номига туман ҳокимининг 2007 йил 9 октябрда 998-Қ қарорига асосан тегишли уй-жойи 1313,28 м.кв. ер майдонида қўйилган бўлиб уй-жойининг бир қисмини жаъми 365,29 кв.м.бино иншоотлари тўғрисида А3-литердаги турар уй 149,05 м.кв., А4-литердаги ертўла 139,01 кв.м., А5-литердаги ҳаммом 29,85 кв.м., А6-литердаги хожатхона 20,43 кв.м., А7-литердаги қўрғоқзоҳона 19,95 кв.м., А10-литердаги ойнали айвон 2,87 кв.м., А11-литердаги ойнали айвон 4,13 кв.м. бино иншоотлари)ни нотурар жой тоифа тиббий марказ сифатида айлантиришга руҳсат берилсин.

2. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан, туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини Давлат рўйхатдан ўтказиш инспекцияси (Н.Бердиев)га, туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси (Т.Шаропов)га, туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ф.Мардонқулов)га туман давлат солиқ инспекцияси (И.Исмоилов)га, туман статистика бўлими (Ж.Зарипов)га ҳамда тумандаги